

Ижоза – шайхдан ривоят килишликга берилган лафзий (шафавий ижоза) ёки хаттий (ёзма ижоза) изндир. У мухаддис уламоларининг наздида хадисни тахаммул килишлик йўлларидадан бўлган бир навдир.

Ижоза кориларнинг наздида эса, а у ижоза берувчи шайх (мукрий) дан ижоза олувчи толиб (корий) га ўқишлик ва ўқитишлик учун бериладиган шаходатдир.

Умумий килиб айтадиган бўлсак, ижоза – авлоддан авлодга Куръони Каримни овоз ила накл килишлик амалиётидир. Унга кўра, ижоза берувчини «Албатта, ижоза олувчининг тиловати бир ривоят ёки ривоятларга кўра юз фоиз тўғри бўлди», деб гувоҳлик беришлиги ҳамда унга Куръони Каримни ўқишлик ва ўзидан бошқасига ўқитишлик учун изн (рухсат) беришлигидир.

ИЖОЗАНИНГ МАШРУЪ ЭКАНЛИГИ

Бунга далил Аллох таолонинг: «Албатта, сенга бу Куръон ўта хикматли ва ўта илмли Зот тамонидан берилур» ояти каримаси далилдир.

Ушбу оятда «талаккий» калимаси зикр килинган бўлиб, у икки кишининг орасидаги учрашувни англатади.

Демак, Жаброил Куръонни Аллохдан талаккий килганлар, сўнг Набий (соллаллоху алайхи васаллам) Жаброилдан талаккий килиб олганлар, кейин эса саҳобаи киромлар Куръонни Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам)дан талаккий килиб олганлар.

Имом Бухорий ўзларининг саҳихларида:

Абдуллох ибн Амр Абдуллох ибн Масъудни эслаб «Хамон уни яхши кўраман. Мен Набий (соллаллоху алайхи васаллам)ни бундай деяётганларини эшитганман: «Куръонни тўрт киши: Абдуллох ибн Масъуд, Солим, Маоз ва Убай ибн Каъблардан олинлар» деганини ривоят килганлар.

Зикр килинганларнинг иккиталари – Абдуллох ибн Масъуд ва Солим ибн Маъкал – мухожирлардан эдилар.

Албатта, ижоза, мужиз (ижоза берувчи) дан мужаз (ижоза олувчи)га бериладиган шаходатдир. Бу шаходат корининг чиройли адо килишлигига ва кироатини яхшилигига берилган тазкиядир. Набий (соллаллоху алайхи васаллам)нинг баъзи саҳобаларига, уларнинг кироатлари яхши ва чиройли эканлиги хақида берган тазкиялари бу лафзий ижозадир.

ИЖОЗАНИНГ РУКНЛАРИ

- 1) Мужиз. У Куръони Каримни хаммасини тажвид ила толибдан эшитадиган шайхдир.
- 2) Мужаз. У шайхнинг олдида ўқиб, ундан Куръонни талаккий килиб оладиган толибдир.
- 3) Мужаз бих. У Куръони Карим, Аллохнинг мўъжиз (ожиз колдирувчи) каломи бўлиб, Жаброил (алайхиссалом) воситасида Набий ва расулларнинг хотами бўлган Мухаммад (соллаллоху алайхи васаллам)га нозил килинган, мусхафларда ёзилган, бизга мутавотир билан етиб келган, унинг тиловати ибодат саналган, фотиҳа сураси ила бошланиб, Нас сураси билан тугаган улуг китобдир.
- 4) Санад. Улар бизга Куръони Каримни огизма-огиз накл килган кишилардир. Улардан хар бири ўзининг шайхига ўқиган бўлади. Шу зайлда Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам)га етади, у Зот Жаброилдан, Жаброил Аллох таборока ва таолодан кабул килиб олган бўлади.